

## Сийрат 199-дарс. Ғийбат нималигини биласизми?



19:00 / 02.09.2022 3780

765. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга бир киши: «Менга тавсия қилинг», деди. «Ғазабланма!» дедилар. У бир неча бор такрорлади. У зот (ҳар гал): «Ғазабланма!» дедилар.

Бухорий ривоят қилган.

\* \* \*

766. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни: «Ғийбат нималигини биласизларми?» дедилар. «Аллоҳ ва Унинг Расули билувчи» дейишди. «Биродарингни ўзига ёқмаган нарса билан эслашинг», дедилар. «Биродаримда мен айтган нарса бор бўлса-чи, бунга нима дейсиз?» дейишди. «Агар айтганинг унда бўлса, ғийбат қилган бўласан, аммо бўлмаса, бўҳтон қилган бўласан», дедилар».**

*Муслим ривоят қилган.*

767. Хузайфа ибн Ямон розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Чақимчи жаннатга кирмайди», деяётганларини эшитдим».**

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

\* \* \*

768. Муовия ибн Ҳайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Одамларни кулдириш учун ёлғон гапни гапирганга вайл бўлсин, вайл бўлсин, вайл бўлсин», деганларини эшитдим».**

*Абу Довуд, Термизий ва Ҳоким ривоят қилишган.*

«Вайл бўлсин» – вой бўлсин, шўри қурисин, унга дўзах бўлсин, дегани.

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**